ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
Ҳ.С.СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ЖАББОРОВ НУРБОЙ АБДУЛҲАКИМОВИЧ

УДК 894. 375 Фурқат

# ФУРҚАТ АСАРЛАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ

10.01.11 – Адабий манбашунослик, адабиёт ва фольклор матншунослиги

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

## А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Т о ш к е н т – 1994

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида бажарилди.

| | |
|---|---|
| Илмий раҳбар | – филология фанлари доктори М. Ҳакимов |
| Расмий оппонентлар | – филология фанлари доктори, профессор Ш. Юсупов |
| | – филология фанлари номзоди Т.Гафуржонова |
| Етакчи муассаса | – Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти |

Ҳимоя 1994 йил "31" май куни соат "11⁰⁰" да Ўзбекистон Республикаси Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти қошидаги Д 015.90.21 рақамли Ихтисослаштирилган Кенгаш йиғилишида бўлади.

(700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси ФА нинг бош кутубхонасида (Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13) танишиш мумкин.

Автореферат 1994 йил "29" апрел да тарқатилди.

Ихтисослаштирилган Кенгашнинг илмий котиби, филология фанлари доктори — Қ. СОДИҚОВ

## ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Адабий меросни илк манбалар асосида ўрганиш ва тадқиқ этиш – бугунги адабиётшунослик, хусусан, манбашунослик илмининг устувор вазифаларидандир.

Худди шу маънода, Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари устида кенг кўламда тадқиқот ишларини олиб бориш, шоир асарларининг илмий жиҳатдан талабга жавоб берадиган таянч нусхаларини қидириб топиш, уларнинг илмий қийматини белгилаш ниҳоят даражада муҳим эканлигини таъкидлаш лозим.

Фурқат ижодиёти тўғрисида жуда кўп салмоқли тадқиқотлар яратилган. М.Шайхзода, И.Мўминов, М.Юнусов, Г.Каримов, Х.Расул, А.Қаюмов, Ш.Юсупов, А.Абдуғафуров, Т.Неъматов, А.Мадаминов каби олимларнинг тадқиқотларида шоир асарларининг қўлёзма манбалари, матний таҳлили масалаларига ҳам эътибор берилган. Лекин, уларда шоир асарларининг қўлёзма манбаларига фақат маълум мақсад йўлидагина мурожаат қилинган. Қўлёзма манбалар тадқиқот объекти қилиб олинмаган, улар хусусида манбашунослик илми нуқтаи назаридан мулоҳаза юритилмаган, балки, улардан зарурат юзасидангина фойдаланилган. Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари, уларнинг шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишдаги аҳамияти махсус ўрганилган эмас. Мазкур тадқиқот худди шу мавзуга бағишланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг асосий вазифаси- Фурқат ижодиётининг қўлёзма манбаларини тадқиқот объектига айлантириш, шоир асарларининг қўлёзма баёз ва мажмуалардаги силсиласини тадқиқ қилиш, уларнинг мавжуд нашрларини илк манбалар билан қиёсий таҳлил этиб, мукаммал илмий-танқидий матнини яратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўллари тўғрисида мулоҳаза юритиш, шунингдек, иш жараёнида аниқланган Фурқатнинг илм аҳлига маълум бўлмаган асарлари хусусида баҳс юритиш ва шулар асосида, мумтоз адабиётимиз ихлосмандларида Фурқат адабий мероси тўғрисида нисбатан мукаммал тасаввур уйғотишдан иборат.

Таъкидланганидек, Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари устида ушбу йўналишда илмий иш қилинган эмас. Тадқиқотда Фурқат қўлёзма асарларининг Ўзбекистон ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи фондларида сақланаётган мўътабар манбалари устида илмий иш олиб

борилди. Шоирнинг мазкур фондлардаги қўлёзма баёз ва мажмуалардан аниқланган, шу пайтга қадар илм аҳлига маълум бўлмай келган асарлари транслитерация қилиниб, диссертацияга илова этилди.

Бундан ташқари, диссертацияда Фурқат асарларининг алоҳида шахслар томонидан китобат қилинган бир нечта тўплами биринчи марта илмий истифодага киритилди. П.Қайюмов томонидан китобат қилинган "Девони Фурқат Хўқандий", А.Муродов ва А.Жувонмардиевлар тартиб берган "Фурқат асарларининг тўплами" ва Холид Расул томонидан йиғилиб китобат қилинган Фурқатнинг икки жилдлик "Асарлар мажмуаси" шулар жумласидандир.

Шунингдек, тадқиқотда биринчи марта Фурқат асарларини кўчирган хаттотлар тўғрисида, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилди. Шоир асарларининг мавжуд нашрлари қўлёзма манбалар билан қиёсланиб, таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси - Фурқат асарларининг таянч манбаларини аниқлаш, шоир асарларининг жорий имлодаги нашрларини таҳлил этиш, мукаммал илмий-танқидий матнини яратишга замин ҳозирлаш ва шоир ижодиёти билан бундан кейин шуғулланувчилар учун қулайлик туғдирмоқдан иборат.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси. Диссертацияни ёзишда илмий ишда энг синалган услуб - тарихий-қиёсий услубдан фойдаланилди. Алишер Навоий асарларининг манбаларини тадқиқ этишда устоз олимларнинг тўплаган кўп йиллик тажрибалари тўғри йўлни танлашда асосий йўлланма бўлиб хизмат қилди.

Мазкур тадқиқотни ёзиш жараёнида Ҳ.Сулаймонов, П.Шамсиев, Х.Расул, М.Юнусов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Ш.Юсупов, Б.Қосимов, А.Абдуғафуров, А.Ҳожиаҳмедов, А.Мадаминов, қардош халқлар олимларидан Е.Э.Бертельс, Ю.Крачковский, Д.С.Лихачев, Ҳ.Арасли, Ж.Нагиева каби олимлар ишларидан, улар тадқиқотларида эришилган муваффақиятлардан фойдаланилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотда баён этилган фикр-мулоҳазалардан Фурқат ижодиёти, шунингдек, адабий манбашунослик бўйича иш олиб бораётган мутахассислар, университетлар, институтлар ва бошқа илм масканларининг талабалари қўлланма сифатида фойдаланса бўлади. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида "Матншуносликка кириш" махсус курсларида, талабалар учун дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг апробацияси. Тадқиқот мавзуи Ўзбекистон ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг 1991 йил 18 мартда ўтказилган илмий кенгашида тасдиқланган бўлиб, ишнинг бориши бир неча марта "Манбашунослик ва матншунослик"бўлимида, шунингдек, институт илмий



кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация Қўлёзмалар институтининг 1993 йил 17 ноябрда ўтказилган илмий кенгашида ёқлашга тавсия этилган. Ишнинг асосий мазмуни турли матбуот нашрларида эълон қилинган саккизта мақолада ўз аксини топган. Бундан ташқари, Қўлёзмалар институтида 1993 йил 11 январда ўтказилган ёш олимларнинг илмий конференциясида қилинган маърузада ҳам мазкур тадқиқотда илгари сурилган фикр ва мулоҳазалардан фойдаланилди.

Ишнинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация илгари сурилган муаммолардан келиб чиқиб, кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ИЛМИЙ ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги илмий асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, мавзунинг илмий жиҳатдан ишланиш даражаси, ишнинг услубий асоси, шунингдек, назарий ва амалий аҳамияти тўғрисида фикр юритилди.

Биринчи боб "Фурқат асарларининг қўлёзма манбалардаги силсиласи" деб номланган. Маълумки, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат /1859-1909/ тахминан 1885 - 1886 йилларда ўзининг лирик шеърларини йиғиб девон тартиб этган. Бу ҳақда у "Саргузаштнома"да шундай ёзади: "...ғазалиётим Фарғона музофотиға ва дигар мамлакатларға мунташир бўлди ва шўрангиз ашъоримдин хонақоҳ ҳофизлари ўқуб, сафо хайли халқасиға ҳаловатлар бағишлади ва тарабхез абётимдин хушилҳон маънилар соз бирла савт чиқориб, нишод аҳлини мажлисиға фарҳатлар еткурди ва бул мутафарриқадин жузъидонимда қолғон ғазал ва мухаммасларим авроқини дафтар шерозасиға боғлаб жамъ қилдим".[1]

"Фурқатнинг "Баёз" радифли шеъри ҳам /Муқимий ҳужраси - музейида сақланмоқда/ мазкур тўпламнинг тузилганидан далолат беради:

> Топди оройиш ғазаллардинки, ҳар бир мисраи,
> Қомати баржастаи бир шўхи сийминбар баёз.
> Ҳар қачонким, очти табъим боғидин бир тоза гул,
> Боғладим гулдаста Фурқат, айладим дафтар баёз".[2]

Лекин, афсуски, бу девон ҳозиргача топилган эмас. Шоирнинг шу кунга қадар нашр қилинган асарлари XIX асрнинг охири, XX аср боша-

---

1. Фурқат. Танланган асарлар. II жилд. Тошкент, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959, 139-бет.

2. Каримов Ғ.К. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 1987, 136-бет.

рида китобат қилинган қўлёзма баёз ва мажмуалардан, "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларидан, бундан ташқари, Фурқат шеъриятининг ихлосмандлари томонидан йиғилиб, жамъ қилинган тўпламлардан олинган.

Ўзбекистон ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти қўлёзма асарлар хазинасида Фурқат асарлари киритилган йигирмадан ортиқ баёз ва мажмуалар сақланади.

1. <u>2492 инвентарь рақамли баёз</u>. Ушбу баёз Қўлёзмалар институти хазинасидаги Фурқат асарлари энг кўп тўпланган манба ҳисобланади. Баёз таркибига кирган шеърлар сарғиш шарқ қоғозига қора ва қизил сиёҳларда икки устунда настаълиқ хатида кўчирилган. Баёздан Фурқатнинг жами 39 та ғазали, 1 та фарди, 1 та мустазоди, 1 та мураббаъси, булардан ташқари, шоирнинг машҳур "Бир қамарсиймони кўрдум балдаи Кашмирда" деб бошланувчи ғазалига Муқимий мухаммаси, Машқийнинг "Ажойиб шўхким бир мана олам бирла қуллур", Ғозийнинг "Манга рафъ айламас ғам шиддатин саҳроу гулшан ҳам" мисралари билан бошланувчи ғазалларига Фурқат мухаммаслари ўрин олган.

Мазкур баёздан Фурқатнинг илм аҳлига номаълум бўлиб келган

Мане, хастаҳолу, дардманд, фақир,
Муҳаббат камандига эрдим асир,-

байти билан бошланувчи ғазали аниқланиб, матбуотда биринчи марта эълон қилинди.[1]

Кейинчалик, Қўлёзмалар институти илмий ходими А.Шокировнинг тавсияси билан ушбу баёздан /176-бет/ Фурқатнинг шу пайтга қадар маълум бўлмаган "Манга рафъ айламас ғам шиддатин саҳроу гулшан ҳам" деб бошланувчи Ғозий ғазалига битган мухаммасини аниқлашга муваффақ бўлинди. Ушбу мухаммас матни диссертацияга илова қилинди.

Адабиётшунosликда Фурқатнинг Араб мамлакатларида бўлганлиги эътироф этилган. Лекин, шоирнинг ҳаж ибодатларини адо этганлиги, Ҳожи деган улуғ номга мушарраф бўлганлиги тўғрисида мулоҳаза юритилган эмас. Диссертант томонидан биринчи марта бу ҳақда фикр билдирилиб, Фурқатнинг ҳаж сафарида ёзган шеърлари мазкур 2492 рақамли баёз асосида нашрга тайёрланиб, эълон қилинди.[2]

---

1. Жабборов Н.А. Фурқатнинг икки шеъри."Ёш ленинчи" газетаси, 1991 йил 13 март.

2. Абдул Ҳаким Нурбой. Шоирнинг руҳоний дунёси. "Туркистон" газетаси, 1993 йил, 6 ноябрь.



2. <u>1483 инвентарь рақамли баёз</u>. Мазкур баёз 1896 йили котиб Айюб Умар томонидан тўпланиб, китобат қилинган. Қўлёзма сарғиш рус фабрика қоғозига йирик настаълиқ хатида битилган. Муқоваси оч яшил матиздан ясалган бўлиб, ўйма нақш туширилган. Қўлёзманинг бошланиши йўқ. Баёздан Фурқатнинг иккита ғазали ўрин олган.

Ушбу баёзни ўрганиш жараёнида "Бир куни олдимга келди дилбари айёр ўзи" мисраси билан бошланувчи ғазалнинг Фурқат шеърияти ихлосмандларига номаълум эканлиги аниқланди ва эълон қилинди.[1]

Шунингдек, Қўлёзмалар институти хазинасида 322, 13, 2561, 2572, 1000,1502, 1473, 995, 1538, 234, 2743, 2102, 1895 рақамлари билан сақланаётган қўлёзма баёз ва мажмуаларда ҳам Фурқат асарларининг ишончли нусхалари мавжуд. Диссертацияда ушбу манбалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Фурқат ижодиётининг эътиборга молик қўлёзма манбаларидан яна бири, бу - Қўлёзмалар институти архивидаги Фурқат фонди ҳисобланади. Мазкур фонд 80-йилларда ташкил этилган бўлиб, Фурқатнинг Ёркентдаги ҳаёти ҳақида ишончли материалларни жамлаганлиги билан характерланади. Фурқат фонди ҳам мутахассислар томонидан маълум даражада ўрганилган.[2]

Фурқатнинг ўз дастхати билан битилган "Кажкул" деб номланган кундалик дафтари, фондга Ғанижон Султонов томонидан топширилган материаллар, шунингдек, шинжонглик зиёлилардан Фирдавс Азизийнинг шоирнинг Ёркентдаги ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот берувчи мактублари мазкур фондда сақланаётган аҳамиятта молик манбалардир.

Шу фонддаги У рақамли ҳужжатда Фурқатнинг машҳур "Сайдинг қўябер сайёд" асарининг ёзилиш тарихига оид муҳим қайдни учратдик. Жумладан, ҳужжатда қуйидаги фикрларни ўқиймиз: "... мазкур Фурқат Ҳиндистонда иқтисоддан сиқилиб, пиёда йўл юриб, Кашмир шаҳрига келишда йўлда бир ҳинд қофқон қўйиб, кийикни тутиб олибдур. Кийик бўлса урғочи экан, болалари бор экан. Кийик гоҳи болаларига, уй тарафга қараб йиғлар эмиш, кўзидин ёш чиқар эмиш, гоҳи мазкур ҳиндға қараб йиғлар эмиш. Ватандин ажрағон, бола-чақаларидин, волидасидин, қариндошларидин ажрағон Фурқат оҳ тортиб, фарёд қилиб, ўзига ўхшаш эзилган кийикни сайёд қўлидин ажратиш учун ёнидаги бор пулини сайёд ҳиндга бериб, кийикни

---

1.Жабборов Н.А. Фурқатнинг икки шеъри."Ёш ленинчи" газетаси, 1991 йил 13 март

2. Расулова Д. Зокиржон Фурқат фонди. Қосимова Р. Фурқатнинг Ёркентдаги ҳаётига оид маълумотлар.-"Фурқат ижодиёти". Тошкент,"ФАН" нашриёти, 1990, 79-82, 153-156-бетлар; Расулова Д. "Бу шеъримни сақланг"."Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1991 йил 12 апрель.

қутқариб, қўйуб юбориб,ўшал жойда ўлтуруб дам олиб айтқон шеърларини озроқини ёздим..."

Шундан кейин мактуб муаллифи шеърнинг беш бандини келтирган.

Адабиётшуносликда мазкур мусаддаснинг ёзилиш тарихи тўғрисида турлича мулоҳазалар баён қилинган. Жумладан, А.Қаюмов асарнинг Қўқонда ёзилганлиги тўғрисида,[1] Ш.Юсупов эса Фурқатнинг дўсти Саъдулло ҳофизнинг фожиали ўлимига бағишлаб Тошкентда ёзилганлиги ҳақида[2] фикр билдирганлар. Биз юқорида иқтибос келтирган мактуб муаллифи эса мусаддаснинг Ҳиндистонда ёзилганлигини таъкидлайди.

Уйғур олимларидан Аршиддин Тотлиқ ўзининг "Фурқат ва Саъдулло ҳақида" номли тадқиқотида қуйидагиларни баён этади: "Ўзбек халқининг йирик шоири, уйғур халқининг қадрдон дўсти, Фурқат билан замондош бўлган ва яқин биродарчилик қилган уйғур шоири мулло Саъдулло Хайроний ҳақидаги маълумотлар кейинги йилларга қадар маълум бўлмай келган эди. Саъдулло Хайроний деган исм шоир Фурқатнинг машҳур мусаддаси "Сайдинг қўйбер сайёд"да "Фурқатда бу Саъдулло Хайронаға ўхшайдур" деган мисра-да қайд этилгани учун бу мусаддаснинг ёзилиш тарихи устида кўплаган гап-сўзлар бўлиб ўтган.

Саъдулло ким, унинг Фурқат билан қандай муносабати бор? Бу масала ҳақида мен билганларимни ўртага қўйиб, Саъдуллони қисқача таништириб ўтмоқчиман."[3]

Шундан кейин Аршиддин Тотлиқ 1957 йили ёзувчилар жамиятининг топшириғи билан Ёркентга бориб, Фурқатнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан танишганлиги, унинг асарларини тўплаш ва мақбарасини тиклаш ишларида иштирок этганлиги ва шу пайтларда Фурқат билан Саъдулло ўртасидаги дўстона муносабатлар тўғрисидаги хотираларни эшитганлигини баён этади. Фурқат билан замондош бўлган, у билан қалин муносабат ўрнатган кекса, воқеанавис кишилар бу икки шоир саргузаштларини унга айнан сўзлаб берганликларини таъкидлайди:

"Мулло Саъдулло асли янгсорлик бўлиб, ўқимишли киши бўлган. У ўз юртидаги бой ва мансабдор кишилар билан аразлашиб, юртини тарк

---

1.Қаюмов А. Шоир Фурқат. -"Шарқ юлдузи", 1986, 4-сон.

2.Юсупов Ш. Мусаддаснинг абадияти. -"Фурқат йўлларида". Тошкент Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 88-99- бетлар.

٣. عرش الدين تاتليق. فرقت و سعدالله حقيده.
"شنجانك اوزبكلارى" ١٩٨٨، ايول، ٨٥ - بيت



этиб, Кашмирга кетган. Бу ерда у шоир Фурқат билан танишиб, қалин дўстлик ва биродарчилик қилишган. Ўз саргузаштларини Фурқатга сўзлаб берган. Фурқат унинг ҳаёт воқеаларидан жуда ачинган ва унга ҳисдошлик қилган. Улар кўп вақтгача ўзаро сирдош бўлиб, бир-бирини йўқлашиб, иноқ ўтишганлар. Кейинчалик Фурқат Кашмирдан кетиш ниятига келган. Ўз юртини эслаб, Ватанга қайтиш ниятида юрган ва Фурқатнинг азми дилёр этиб, Кашмирдан Шинжонгга кетиш тараддудини билган Саъдулло унга ҳамроҳ бўлиб, Ёркентга бирга қайтиб келган.... Фурқатнинг сафар ранжу машаққатларини Саъдулло ҳам бирга тортиб, токи Ҳўтану Қарғалиқ ва Ёркент сафарларигача унинг билан бирга бўлган".[1]

Хуллас, Аршиддин Тотлиқ Фурқат ўз мусаддасида номини зикр этган Саъдулло - уйғур шоири Саъдулло Хайроний деган хулосага келади.

Кўриниб турибдики, мусаддаснинг ёзилиш тарихи, асар ёзилган макон ҳақида турлича қарашлар мавжуд ва бу ҳақда фикр билдирган олимларнинг барчаси ҳам ўз мулоҳазаларини далиллашга ҳаракат қилганлар. Бу масалага келажакда бажариладиган тадқиқотлар ойдинлик киритади деган умиддамиз.

Фурқат фондида сақланаётган муҳим ҳужжатлардан яна бири - шинжонглик Фирдавс Азизийнинг шоирнинг Ёркентдаги ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маълумот берувчи мактублари ҳисобланади. Мазкур мактубларда Фурқатнинг Ёркентдаги серқирра фаолияти тўғрисида илм аҳли учун қизиқарли бўлган маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, II мактубда Фурқатнинг жуда ҳам зукко ва билимдон табиб бўлганлигига далолат қилувчи маълумотлар берилган.Мактуб мазмунидан аниқ бўладики, Фурқат табобат соҳасидаги ютуқлари туфайли "Зубдат улҳукамо" /"Ҳакимларнинг сараси"/ деган шарафли унвонга сазовор бўлган. Бу ҳақда биз диссертацияда ва "Ҳакимларнинг сараси" номли мақолада батафсил тўхталиб ўтганмиз.[2]

Бундан ташқари, Фурқатнинг хаттотлик борасида ҳам юксак маҳорат эгаси бўлганлиги ишончли манбаларда қайд этилган. Хусусан, Фирдавс Азизий бу ҳақда шундай ёзади: "Фурқатнинг ҳуснихати ҳам ниҳоятда чиройли бўлғон. Унинг хаттотлик маҳоратидин завқланғон бир қанча кишилар ундин ҳуснихат ўрганган экан. Шулардан Фурқатнинг дўсти ва шогирди Зайнобиддинхон Фурқат вафот этгандин 24 йил кейин, яъни, 1933 йили Ёркентда янги мактаб - "Матлаъил-ирфон" қурулғонда ана шу мактабда ҳуснихат ўқитувчиси бўлғон".

---

١. عرش الدين تاتليق. فرقت و سعدالله حقيده.
"شنجانك اوزبكلارى" ١٩٨٨، ايول، ٨٦ - بيت

2. Абдул Ҳаким Нурбой. Ҳакимларнинг сараси. "Оила ва жамият" газетаси, 1993 йил ноябрь, 44-сон.

Бугунги кунда илм аҳлига яхши таниш бўлган Фурқат асарларининг дастнавис нусхалари ҳам шоирнинг маҳоратли хаттот бўлганлигига ишончли далил бўла олади. Фурқатнинг хаттотлик борасидаги фаолияти ҳам алоҳида ўрганилишга лойиқдир.

Маълумки, Фурқат қаерда яшамасин, маърифатпарвар, зиёли кишилардан дўстлар орттирди, улар билан ҳамкорликда қизгин маърифатпарварлик фаолиятини олиб борди. Биз шу пайтга қадар Фурқатнинг Қўқондаги, Тошкентдаги ва бошқа жойлардаги ҳаммаслак дўстлари тўғрисида анча батафсил маълумотга эга бўлсак-да, шоирнинг Ёркентда яшаган давридаги дўсту биродарлари, улар билан ҳамкорликда олиб борган фаолияти тўғрисида бундай маълумотга эга эмас эдик.

Фирдавс Азизийнинг мактубларида Тажалли, Бобожон Ҳожи, Муҳаммад Қори Ҳожи, Зайнобиддинхон, Соли аълам, Умар Ҳожи каби Фурқатнинг турли миллат вакилларидан иборат дўстлари, Ёркентда улар билан биргаликда олиб борган маърифатчилик фаолияти тўғрисида анча батафсил маълумот берилган.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ёркентдаги Фурқат бошлиқ маърифатпарвар, зиёли кишилар тез-тез навоийхонлик, бедилхонлик, шеърхонлик кечаларини ўтказиб турганлар, шунингдек, турли мавзуларда илмий йиғинлар ташкил этишиб, фикр алмашиб турганлар. Энг муҳими эса, Фурқат бундай йиғинларнинг ташкилотчиларидан бўлган. Бу далил улуғ маърифатпеша шоирнинг Қўқондаги, Тошкентдаги анъаналарга доимо содиқ қолганлиги, ҳаётининг мазмунини илму маърифатда деб билганлигига далолат қилади.

Қўлёзмалар институти Ғ.Каримов архивидаги 9-ҳужжатда олим томонидан сафсарранг сиёҳда настаълиқ хатида кўчирилган "Ваъда ёлғонлар тилисми интизор этти мени" мисраси билан бошланувчи шеърни учратдик. Ғазалнинг мақтаъи қуйидагича:

Билмадим, Фурқат, жаҳон боғида сен не ранг гул,
Лоладек қат-қат,Муқимий,доғдор этти мени

Профессор Ғ.Каримов Муқимийнинг 1960 йили чоп этилган икки жилдлик "Асарлар тўплами"га ёзган изоҳларида ушбу ғазални Муқимийга нисбат берган эди.[1] Филология фанлари доктори Х.Расул эса мазкур асарнинг Фурқат қаламига мансуб эканлигини таъкидлаган эди.[2]

---

1.Каримов Ғ.Изоҳлар.-Муқимий.Асарлар тўплами.Икки томлик.1 том. Тошкент,Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти,1960,348-бет.

۲. خالد رسول. فرقتنینگ "وعده یلغانلار طلسم انتظار ایتی مینی" غزلیگه ازاح. – فرقت. اثرلار مجموعه‌سی. ایکی جلدلیک. ۱ جلد. تاشکند. ۱۹۹۰.



Маълумки, Қўқонда Фурқат, Муқимий, Завқий, Нисбатий ва бошқа шоирлар доимий равишда бедилхонлик, ғазалхонлик кечаларини, шунингдек, мушоиралар, турли мавзуларда мубоҳасалар уюштириб турганлар. Шундай кечаларда баъзан улардан бирортаси бир байт шеър айтса, қолганлари шеърни давом эттириб, охирига етказганлар. Бизнингча, мазкур шеър Фурқат ва Муқимийнинг ана шундай кечаларда ҳамкорликда битган шеърларидан бири бўлса керак. Шеър шу пайтгача фақат Муқимий асарларининг нашрларигагина киритилиб, Фурқатнинг 1991 йилги факсимиле нашрига киритилган холос. Бизнинг фикримизча, мазкур шеърни ҳар икки шоир асарларининг нашрларига киритиш лозим. Фақат, изоҳ берилганда, шеърнинг ижодий ҳамкорлик маҳсули эканлигини қайд этиш зарур бўлади.

Умуман, икки, баъзан уч шоирнинг ҳамкорликда ғазал битиш ҳодисаси Қўқон адабий муҳитигагина хос бўлган хусусиятдир. Фурқатнинг Завқий билан ижодий ҳамкорликда битган "Бодаи васлинг,қачонким,нўш этгибон қонамиз", "Муддатедур, бодаи ишқинг ичиб мастонамиз","Айни назарда ногоҳ кўз ул жамола душти" ғазаллари,шунингдек, Нисбатий, Завқий, Фурқат ҳамкорликда ёзган "Ой жамолинг шамъига ҳар кеча ўртаб ёнамиз" ғазали Қўқон адабий муҳитидаги ушбу ўзига хосликка далолат қилади.

Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма асарлар хазинасида Фурқат асарлари киритилган нодир қўлёзма баёз ва мажмуалар сақланади. 7521, 10072,5736, 7512, 6352, 1821, 1325, 5666, 9971, 9072, 9919, 7710, 4179, 4207, 11517 рақамлари билан сақланаётган қўлёзмалар шулар жумласидандир. Мазкур баёз ва мажмуалар мутахассислар томонидан кенг ўрганилган.[1]

Ушбу хазинадаги қўлёзма баёз ва мажмуалар диссертант томонидан манбашунослик нуқтаи назаридан, хусусан, Фурқат ижодиётининг қўлёзма манбалари сифатида ўрганиб чиқилди. Диссертацияда мазкур манбалар таҳлилига анча кенг тўхталиб ўтилди.

Туркистон чор Россияси томонидан босиб олингач, бу ўлкада узоқ йиллар миссионерлик фаолиятини олиб борган Н.Остроумовдан бой фонд қолган. Мазкур фонд айни пайтда Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланади.

---

1. Неъматов Т. Шоир Фурқатнинг қўлёзма асарлари.-"Зокиржон Фурқат".Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти,1959,131-152-бетлар; Шокиров А. Муқимий дастхат баёзида Фурқат ғазаллари.-"Адабий мерос". 1988,4-сон,67-бет; Муродов А ,Жувонмардиев А. Фурқатнинг янги топилган шеърлари.-"Шарқ юлдузи", 1958, 4-сон, 72-80-бетлар; Фурқат шеърлари.-"Шарқ юлдузи", 1959, 2-сон.

Маълумки, Фурқат Остроумов билан Тошкентда танишади. Улар "Туркистон вилоятининг газети"да бирга хизмат қилишган. Фурқат чет элларда юрган пайтларида ҳам доимий равишда Остроумов билан хат ёзишиб турган. Бундан ташқари, Фурқат асарларининг "Туркистон вилоятининг газети"да чоп этилиши кўп жиҳатдан Остроумов фаолияти билан ҳам боғлиқ. Шуларни ҳисобга олганимизда, ҳеч шубҳа йўққи, Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги "Остроумов шахсий фонди" Фурқат ижодиётини ўрганишда ниҳоят даражада муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу манба Фурқат ижодиёти нуқтаи назаридан анча кенг тадқиқ қилинган.[1]

"Остроумов шахсий фонди"да Фурқатнинг "Акт мажлиси хусусида" /фонд № 1009, рўйхат № 1, 151-ҳужжат, 44-46-бетлар/, "Аза тавсифи", "Тўй тавсифи", "Таппинг тавсифи", "Илми шеърни қоидаи авзонини баёни" /фонд № 1009, рўйхат № 1, 184-ҳужжат, 83-107-бетлар/ асарларининг, "Мактуби манзумаи Фурқат ба Муқимий" сарлавҳаси билан Муқимийга йўллаган шеърий мактуби ва "Жавобномаи Муқимий ба Фурқат" сарлавҳасида Муқимий тарафидан ёзилган жавоб мактубининг /184-ҳужжат, 130 - бет/, "Гимназия" шеърининг /115-ҳужжат, 2-жузгир, 103-103ª-бетлар/ дастнавис нусхалари, шунингдек, шоир дастхатида битилган 20 дан ортиқ мактублар сақланади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган Фурқат асарларининг, шоирнинг турли мамлакатлардан йўллаган мактубларининг дастнавислари шоир ижодиётини тадқиқ этиш ишида фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Диссертациянинг биринчи бобида мазкур дастнавислар ҳақида анча батафсил тўхталиб ўтилди ва Фурқат асарларининг матний тадқиқида улардан кенг истифода этилди.

Қўқон шаҳрида жойлашган Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи хазинасида ҳам Фурқат асарларининг мўътабар қўлёзма

---

1. Каримов Ғ. Фурқат ҳаёти ва ижодига оид янги материаллар.- "Шарқ юлдузи",1960, 1-сон, 149- 159- бетлар.

Юсупов Ш. Фурқат дастхатлари изидан."Ўзбекистон маданияти", 1979 йил 25 декабрь; Фурқатнинг табаррук дастхати."Тошкент оқшоми", 1980 йил 14 март; Табаррук дастхатлар.-"Фан ва турмуш", 1980. 12-сон 20-21-бетлар; Фурқат қалами изидан."Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1981 йил, 13 ноябрь; Фурқат дастхатлари.-"Адабий мерос",1983,4-сон, 37-46-бетлар.

Абдуғафуров А. Шеър ва чакмон."Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1987 йил 15 июль; Зокиржон Фурқат ҳақида янги маълумотлар.-"Фурқат ижодиёти". Тошкент, "ФАН" нашриёти, 1990, 34-51-бетлар.



манбалари сақланади. Мазкур манбаларни ўрганиш жараёнида 1974 рақами билан сақланаётган алоҳида қўлёзма варақда Фурқатнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган дастнависини аниқлашга муваффақ бўлдик. Филология фанлари номзоди А.Мадаминов билан ҳамкорликда аниқланган табаррук дастнавис Алишер Навоийнинг "Иси" радифли ғазалининг Фурқат дастхатида кўчирилган нусхаси эди.

Фурқатнинг мазкур дастнависи шоирнинг Навоий даҳосига бўлган эҳтиромини кўрсатувчи ҳужжат сифатида ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бундан ташқари, ушбу фонддаги 29 рақамли қўлёзма баёзни ўрганиш жараёнида Фурқатнинг илм аҳлига маълум бўлмаган қуйидаги фардини аниқлашга муваффақ бўлдик:

Назокатда қаддинг нахли сабодин бўлмасун хам деб,
Суянчиқ қўйди қудрат боғбони, бу - асо эрмас. /91ª-бет/

Шунингдек, мазкур фондда 24,6667, 26, 27, 607, 391, 606, 7079 рақамлари билан сақланаётган қўлёзма баёз ва мажмуаларда, 101/118, 101/120, 101/143 рақамлари билан сақланаётган алоҳида варақларда Фурқат асарларининг ишончли нусхалари мавжуд. Ушбу манбалар шоир ижодиётини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

<u>Тадқиқотнинг иккинчи боби</u> "Фурқат асарларининг алоҳида шахслар томонидан китобат қилинган тўпламлари ва шоир асарларини кўчирган хаттотлар" деб номланган.

Маълумки, Фурқат асарлари шоир шеъриятининг кўплаб ихлосмандлари томонидан йиғилиб, китобат қилинган. Шундай тўпламлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, адабиётшунос Пўлатжон Қайюмов томонидан тўпланиб китобат қилинган "Девони Фурқат Хўқандий" мажмуасидир. Шоирнинг 152 ғазал, 8 мухаммас, мустазод ва мураббалар, 17 мактуб ва қасидаларини ўз ичига олган ушбу тўплами Фурқат ижодий меросининг муҳим манбаларидан бири сифатида катта аҳамиятга эгадир.[1] Мазкур тўплам Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси А.Қаюмовнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

А.Муродов ва А.Жувонмардиевлар томонидан йиғилиб, китобат қилинган "Фурқат асарларининг тўплами" Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Фурқат асарлари киритилган ишончли қўлёзма манбалар асосида яратилган.

---

1. Хайруллаева М. Фурқатнинг қўлёзма девони. -"Фурқат ижодиёти" Тошкент, "ФАН" нашриёти, 1990, 109-112-бетлар; Жабборов Н.А. "Девони Фурқат" ҳақида. "Адабий мерос", 1993, 1-сон.

Фуркатнинг Холид Расул томонидан тайёрланиб факсимиле шаклида нашр этилган икки жилдлик "Асарлар мажмуаси" шоир меросининг деярли барчасини ўзида мужассам этганлиги билан характерланади. Ушбу тўплам Фурқат асарлари нашрлари ичида нисбатан мукаммал эканлиги билан ажралиб туради.

Қўқонлик зиёлилардан Ҳожи Эргаш томонидан 50-йилларда китобат қилиниб, Фурқат асарларининг ишончли нусхаларини тўплаган қўлёзма дафтар ҳам шоир ижодиётининг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Ушбу тўплам А.Мадаминовнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қўлёзмадаги шеърларнинг жойлашиш тартиби Фарғона вилоят адабиёт музейида сақланаётган 29 рақамли қўлёзма баёздаги тартиб билан ҳайратланарли даражада бир хил. Бу далил ушбу манбалар Фурқатнинг ўзи томонидан ёки ўз иштирокида китобат қилинган тўпламидан кўчирилганлиги тўғрисида тахмин қилишга асос беради.

Маълумки, Шарқ халқлари, шу жумладан ўзбек халқи тарихида хаттотлик ва китобат санъати фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, диссертацияда Фурқатнинг кўплаб қўлёзма баёз ва мажмуаларда тарқоқ ҳолда етиб келган адабий меросини йиғиб, тўпловчилик фаолияти билан шуғулланган, улуғ хаттотлар анъанасини давом эттириб, шоир асарларини китобат қилиб кетган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Мулла Каримбек Шарифбек ўғли Камий, Муҳаммад Тоҳир Хўқандий, Мулла Ўтаб Расул Муҳаммад ўғли, Сирожиддин Махдум Сидқий Мирзоҳид ўғли Хондайлиқий, Пўлатжон Қаййумов, Абдулқодир Муродов, Ғулом Каримов, Холид Расул каби халқимизнинг ориф фарзандлари ҳақида, Фурқат асарларининг улар томонидан кўчирилган қўлёзмалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

<u>Диссертациянинг учинчи боби</u> "Фурқат асарларининг матний тадқиқи ва таҳлили" деб номланган.

Ўтган давр мобайнида матншунослигимиз эришган ютуқларни эътироф этган ҳолда, афсус ва надоматлар билан таъкидлаш жоизки, ўтмиш адабий мероснинг энг нодир намуналари қисқартирилиб, узуқ- юлуқ ҳолда нашр этилиб келинди. Ёки, ҳар хил тазйиқлар билан умуман нашр этилмади. Бугунги фурқатшунослик ҳам, гарчанд, салмоқли ютуқларни қўлга киритган бўлса-да, бу ҳолатни четлаб ўтолган эмас.

Фурқат асарларининг мавжуд нашрларини илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиш, таҳлил ва тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларидан тўғри хулосалар чиқариш фурқатшуносликнинг бугунги кундаги муҳим вазифаларидандир.

Маълумки, Фурқат асарларининг деярли барча нашрлари Холид Расул томонидан амалга оширилган. Фурқат асарлари нашрларини таҳлил



этишда асосий эътибор шоирнинг 1959 йили чоп этилган икки жилдлик, 1975 йили нашр қилинган бир жилдлик "Танланган асарлар"и ва 1991 йилги факсимиле нашрларига қаратилди. Ўрни-ўрни билан 1958 йилги "Танланган асарлар"и ва 1980 йили "Шарқ классиклари меросидан" туркумида нашр этилган "Фурқат шеъриятидан" тўпламига ҳам мурожаат қилинди. Шунингдек, шоир асарларининг дастнависларидан ва қўлёзма нусхаларидан ҳам фойдаланилди.

Фурқат асарларининг нашрлари ҳақида гапирганда, шоир меросининг жорий имлодаги мавжуд нашрлари бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги фактини қайд этиб ўтмоқ жоиздир. Фурқат ижодиёти билан шуғулланган олимлар бу ҳақда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар. [1]

Мавжуд нашрлардаги нуқсонларни икки турга бўлиш мумкин: булардан биринчиси, бутунлай тушириб қолдирилган шеърий парчалар бўлса, иккинчиси, нотўғри ўқилиб, хато ёзилган сўзлар ва жумлалардан иборат.

Далилларга мурожаат этамиз. "Масти бодаи ҳуснунг бўлмагон нечук жондур" мисраси билан бошланувчи ғазал Фурқат шеъриятининг энг нодир намуналаридандир. Мазкур ғазал шоир асарларининг 1959 йилги нашрида 9 байтдан иборат бўлса, факсимиле нашрида 14 байт. Демак, нашрга тайёрловчи ғазалнинг беш байтини тушириб қолдирган. Ўзида чуқур мазмунни ифода этган, гўзал бадиий воситаларга бой ўша байтлар мазмунига диққат қилинг-а:

> Боғ аро гулу сунбул, наргису суман, шамшод,
> Тавсанинг хиромидин барча ерга яксондур.
> Доимо жамолингни равнақин дуо қилмас,
> Ул киши эмас одам, ваҳшийи биёбондур.
> /5-6- байтлар/
> Дилбари парирўлар кўп фалакни даврида,
> Офтобе олдида заррага нечук сондур.

---

1. Юнусов М. Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг баъзи масалалари. - "Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар". Тошкент, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958;

Юсупов Ш. Фурқат ва ўзбек маърифатпарварлигининг янги босқичи. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1990.

Рамзи нуктаи оғзинг шарҳидин рақам чектим,
Кунҳига етар ҳар ким - шоири суханвордур.

/9-10- байтлар/

Ул куни юзинг шавқи хаста кўнглума тушти,
То бу дам гану жоним ишқ ўтиға сўзондур.

/ 12 - байт /

Мана шундай ёниқ, ошиқона мисраларни ўқий олмаганлигимиз, ҳатготки, улардан бехабар бўлганлигимиз қанчалик даражада маънавий йўқотиш бўлганлигини белгилаш вазифасини илм аҳлининг ҳукмига ҳавола этамизу, эътиборни шоирнинг "Муанбар хатларингни бўйи на мушки Хўтандандур" деб бошланувчи ғазалига қаратамиз. 1959 йилги нашрда мазкур ғазалнинг ҳам салкам ярми, яъни, олти байти тушириб қолдирилган. Мана ўша мисралар:

Олиб нусха баҳоре, хилъатингдин бўстонларга,
Гули аҳмар рухингдин, ғунчаси дуржи даҳандандур.
Демаким, отмайин ғийри мужам нечук асир ўлдинг,
Асир ўлмоқлигим эй шўх, чашми сиҳрфандандур.
Раводур, кўзларингдин парвариш топти десам наргис,
Қадинг нахли бу гулшанда расо сарву сумандандур.
Жаҳон раънолари ўзга гирифтори ғулом эттинг
Бу хосият шаккарафшон фасоҳатлик сухандандур.
Асар қилмас сиришким мавжаси ҳам тийру афғоним,
Кўзингни сеҳридин хоро, на ёри ва на тандандур.
Нигиндек ҳарфи исминг хатим назмиғаким, Фурқат,
Қилибдур дарж, кўрганлар деди дурри Адандандур.

Шунингдек, "Чаманда ғунчадин бўйнунгга гоқмишсан жарас булбул" мисраси билан бошланувчи ғазалнинг қуйидаги икки байти ҳам жорий имлодаги нашрлардан ҳеч қандай асоссиз тушириб қолдирилган:

Ҳақиқий ошиқ эрсанг, гулга нечук нола айларсан,
Худоға йиғлағилким, чун эмас фарёдрас булбул.

/3 - байт/

Саҳархезидек асло қилмамишсан баҳрае ҳосил,
Кеча бедордурсан, маҳзи монанди акас булбул.

/6 - байт/

Фурқат асарлари нашрларини қиёсий таҳлил этиш жараёнида, 1959 йилги нашрда ҳатгоки, 1958 йил нашрида ҳам учрамайлиган баъзи нуқсонларга дуч келдикки, бу нашрга тайёрлаш жараёнида жиддий эътибор



кам бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, "Билурманким, дебон ман вола булбул" деб бошланувчи ғазални транслитерация қилишда 1959 йилги нашрда олтинчи байтнинг иккинчи мисраси тушириб қолдирилган. Шеърнинг тагида эса: "Бу мисрани ўқий олмадик" - деб изоҳ берилган. 1958 ва 1991 йиллардаги нашрларда эса мазкур байт тўлиқ берилган:

Аё нодон, бўлурму гул ғамиға,
Гул ўлгай лола бирла кола булбул.

Ёки, "Лабинг ғунча, юзинг икки қизил гул" деб бошланувчи ғазалга эътибор қилайлик. 1959 йилги нашрда мазкур ғазалнинг учинчи байти қуйидагича берилган:

Чу шавқим хомасин, таҳрир, лаълинг,
Қилиб доим ёзар хатти тасалсул.

1991 йилги нашрда мазкур байтдаги "тасалсул" сўзи "тарассул" шаклида берилган. Хўш, қайси бири тўғри? Мазкур сўзларнинг луғавий маъносига эътибор берилса, масала ўз-ўзидан ойдинлашади. Тасалсул - занжир бандлари каби бир-бирига кетма-кет уланиб кетиш, бир-бири ортидан тизилиш маъносини берса, тарассул - хат ёзмоқ, мактуб битмоқ маъносини англатади. Кўриниб турибдики, мазкур сўзнинг "тарассул" шаклида берилиши мақсадга мувофиқдир. Демак, ушбу байт қуйидагича бўлиши керак:

Чу шавқим хомасин, таҳрир, лаълинг,
Қилиб доим ёзар хатти тарассул.

Мазкур ғазалнинг мақтаъи жорий имлодаги нашрларнинг барчасида

Гадо Фурқатни ҳолиға карам қил,
Эрурсан подшоҳи ботаҳаммул, -

шаклида берилган. Факсимиле нашрда байтдаги "ботаҳаммул" сўзи "ботажаммул" тарзида келган. "Ботаҳаммул" - сабр-тоқатли, чидамли маъносини берса, "ботажаммул"- бадавлат маъносини англатади. Гадога карам қилмоқ, саховат кўрсатмоқ сабр-тоқатли бўлмоқликдан кўра бой, бадавлат бўлмоқликни тақозо этади. Шунга кўра ушбу сўзнинг "ботажаммул" шаклида берилиши тўғридир. Бизнингча, бу ўринда нашрга тайёрловчини "ҳо" билан "жим" ҳарфларининг шаклан ўхшаш эканлиги чалғитган бўлса керак.

Мумтоз матн транслитерациясида энг кўп учрайдиган хатолардан бири - қўшма сўзларни ажратиб ёзиш ҳолатига Фурқат асарлари нашрларида ҳам кўп дуч келамиз. Жумладан,

Ваҳки бир мушкул писанд ишқиға бўлмишман асир,
Бўлмағай манзури жон нақдин нисор айлай десам,-

байтида бирданига учта хатога йўл қўйилган. Биринчидан, "ваҳки" сўзи ундалма вазифасида келганлиги учун вергул билан ажратилиб ёзилиши керак эди. Иккинчидан, аслида қўшма сўз ҳисобланган, инжиқ, нозиктабиат маъносини англатувчи "мушкулписанд" сўзининг ажратиб ёзилиши байт мазмунини англашда қийинчилик туғдиради. Учинчидан, "Бўлмағай манзури жон нақдин нисор айлай десам" мисрасида "манзур" сўзига йўқ жойдан изофа қўшилганки, натижада "Шундай нозиктабиат, инжиқ ёрнинг ишқига асир бўлмишманки, ҳатто, жонимни нисор айласам ҳам манзур бўлмаса керак" деган маънони уқишда анча мушкулот юзага келган. Яъни, бу ерда шоир ёрга манзур бўлмаслигини назарда тутаётган бўлса, "манзури жон" дейилганда эса "жоннинг манзури" деган тушунарсиз жумла юзага келган.

Ҳаттоки, Фурқат шеъриятининг мухлислари ўртасида ниҳоят даражада машҳур бўлган

Бир қамарсиймони кўрдум балдаи Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда,-

матлаъи билан бошланувчи ғазалнинг мазкур байтида ҳам "ой юзли, гўзал юзли" маъносини билдирувчи "қамарсиймо" сўзи шоир асарларининг барча нашрларида ажратиб ёзилган. Бундай ҳолатни шоирнинг бошқа кўплаб ғазалларида ҳам учратиш мумкин.

Шеърларни нашрга тайёрлашда аруз вазни қонун-қоидаларига қатъий амал қилиниши керак. Акс ҳолда, шеърдаги мусиқийликка, оҳангга нуқс етади .

Қиё-қиё боқишинг банда қилди эй дилдор,
Табассум айлагавинг олди сабр бирла қарор,-

байтида иккинчи мисрадаги "бирла" сўзи вазнни бузиб турибди. Аруз вазни талабиға мувофиқ бу сўз "ила" тарзида берилиши керак.

Фурқатнинг "Ўтар-кетар" радифли ғазали ҳам шоир ижодиётининг сара намуналаридан ҳисобланади. Аввалги нашрларда ушбу ғазалнинг бешинчи байти қуйидагича берилган:



Хайр мухаййири ўлуб, айлама сар-басар эсанг,
Мадҳу маломати қолур, хайр ила шар ўтар-кетар.

Биринчи мисрадаги "сар-басар" шаклида берилган "сўз"нинг нотўғри ўқилиши натижасида байтда нима дейилмоқчи бўлаётганини англаш қийинлашиб қолган. Аслида, ушбу байт қуйидагича берилиши керак:

Хайр мухаййири ўлуб, айлама шар, башар эсанг,
Мадҳу маломати қолур, хайр ила шар ўтар-кетар.

Чунки, "сар-басар" шаклида бўлганда ҳеч қандай маъно англашилмайди. "Хайр мухаййири ўлуб айлама шар, башар эсанг" дейилганда эса, одам боласи бўлсанг, ёмонлик қилма деган юксак тарбиявий аҳамиятга молик маънони англаш мумкин.

Фурқатнинг 1991 йили факсимиле шаклда чоп этилган икки жилдлик "Асарлар мажмуаси" шоир асарларининг нисбатан энг мукаммал нашри ҳисобланади. Мазкур нашрнинг юзага келишида Фурқат асарларининг жуда кўп қўлёзма манбаларига мурожаат қилинганлиги ушбу фикрнинг далилидир. Мазкур тўплам шоир асарларининг катта қисмини ўзида жамлаганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Тўпламга кирган Фурқат асарларини шоир ижодиётининг қўлёзма манбалари билан қиёслаб ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, мазкур мажмуада аввалги нашрларда йўл қўйилган жуда кўп нуқсонлар бартараф этилган. Шунга қарамасдан, ушбу нашр ҳам айрим хато ва камчиликлардан холи эмас. Баъзи далилларни келтирамиз:

"Оҳким, ҳамдард йўқ, дард ошкор айлай десам" мисраси билан бошланувчи ғазалнинг аввалги нашрларда берилган, ушбу ғазалнинг асосий мазмунини ўзида мужассам этган

Ёрсиз тарки диёр айлаб эдим, аҳбоблар,
Бор диёру, ёр йўқ, азми диёр айлай десам,-

байти факсимиле нашрдан ҳеч қандай асоссиз тушириб қолдирилган.

"Жомаи заркаш кийиб, от ўйнатиб чиқсанг нигор" мисраси билан бошланувчи ғазалдаги "заркаш"сўзи мазкур нашрда "син" ҳарфи билан "саркаш" тарзида нотўғри берилган. Шунингдек, "Зиҳи ситамки, манга мунча, дилрабо, қиласиз" деб бошланувчи ғазалнинг бешинчи байти шундай берилган:

Вафо қилурға, манга, бердингиз чу минг ваъда,
Ўшал вафони бирига қачон вафо қиласиз.

Байтнинг мазмунидан ҳам англашилиб турибдики, иккинчи мисрада

келган "вафони" сўзи "ваъдани" шаклида бўлиши керак.

"Оҳким,йўқтур, мани, габъимга лойиқ улфатим" мисраси билан бошланувчи газалнинг саккизинчи байти

Ҳол агар ушбу эрур, бўйла тирикликдин на суд,
Бўлмаса бир қатла асбоби жаҳонга ҳурматим,-

тарзида берилган. Асарнинг қўлёзма нусхаларидан ва аввалги нашрлардан маълум бўладики, ушбу байтнинг иккинчи мисраси "Бўлмаса, бир қатла, асҳоби жаҳонга ҳурматим" шаклида бўлиши керак. Яъни, мисрадаги "асбоби жаҳон" бирикмаси "асҳоби жаҳон" тарзида берилмоғи лозим.

"Ишқингда куйиб,жоно, хоки таҳи по бўлдим" деб бошланувчи газалнинг қуйидаги байти факсимиле нашрда шундай берилган:

Жону дилим айтурлар бир-бирга видоъини,
Сен бирла кўнгул қолди, жон қолса ризо бўлдум.

Бир қарашда ушбу байтда ҳеч қандай хатолик йўққа ўхшаб туюлади. Яхшироқ диққат қилинганда эса, иккинчи мисра "Сен бирла кўнгул қолди, жон кетса ризо бўлдум" тарзида берилса тўғри бўлиши аён бўлади.

Маълумки, мумтоз асарлар матнини текширишда муаллиф дастнавислари асос манба ҳисобланади. Шу маънода, Фурқат асарларининг мазкур факсимиле нашрини шоир асарларининг мавжуд дастнавислари билан қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фурқатнинг "Акт мажлиси хусусида" деб номланган асарининг дастнависини факсимиле нашрдаги нусхаси билан қиёслаш натижасида уларда фарқли жиҳатлар кўп эканлигининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, маснавийнинг учинчи байти дастнависда шундай берилган:

Бўлуб вақтики, акт мажлиси соз,
Қилурға имтиҳон расмини оғоз.

Факсимиле нашрда ушбу байтнинг иккинчи мисрасидаги "имтиҳон" сўзи "Русия" сўзи билан алмаштирилган. Шунингдек, асарнинг факсимиле нусхасидан дастнависда бўлмаган қуйидаги тўрт байт ўрин олган:

Улуғлар бор эди ҳам анда ҳар хил,
Баёнға бўлмади фурсат батафсил. /11- байт/
Келиб мажлисга дохил бўлди аввал,
Саломлашди ҳама бирла мукаммал. /15- байт/
Етушқон хосликда Ансурома,
Ўтурди яъни бир олий мақома./16- байт/



Мударрислар тавозелар қилибон,
Ҳама давр олиб ўлтурди келибон./20- байт/

Асар дастнависида учрамаган мазкур байтларнинг факсимиле нашрга киритилиши сабабини икки хил изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ушбу байтларни шоир кейинчалик, асарни қайта ишлаш жараёнида киритган деб фараз қилиш мумкин. Иккинчи тахмин шуки, байтлар асарни кўчириш жараёнида котиб томонидан қўшилган бўлиши мумкин. Биринчи тахмин учун етарли далиллар бўлмаганлиги сабабли, ҳозирча, байтлар котиб томонидан қўшилган балиҳалар деган фикрда тўхтаймиз.

Маълумки, Фурқат бир қанча шеърий мактублар муаллифи ҳисобланади. Шоирнинг Тошкентдан дўсти Муқимийга йўллаган мактуби шулар жумласидандир. Мазкур шеърий мактуб дастнависини мавжуд нашрлардаги матни билан қиёслаш натижасида нашрга тайёрлаш жараёнида қуйидаги беш байт тушириб қолдирилганлиги аниқланди:

Фасоҳат гулшанида мисли булбул,
Нурсанжу зиҳи нағмасаролар./3- байт/
Эрур пайваста ҳозир суҳбатимда,
Неча оромижону дилраболар.
Аларнинг ҳам манга йўқтур жафоси,
Қилурлар лутф ила меҳру вафолар.
Мурувват кўргузурлар кўз учидин,
Саломат бўлсин ул қоши қаролар./7,8,9- байтлар/
Ярим подшоҳ йўқлаб гоҳи-гоҳи,
Сўраб ҳолимни айтур марҳаболар. /14-байт/ [1]

Кўриниб турибдики, Фурқат асарларининг 1991 йилги факсимиле нашри ҳам айрим хато ва камчиликлардан холи эмас. Мазкур нашрни амалга оширишда муаллиф дастнависларидан умуман фойдаланилмаган. Шунинг учун ҳам, ушбу тўпламнинг юксак аҳамиятини эътироф этган ҳолда, таъкидлаш жоизки, Холид Расул "Йиғма илмий-танқидий матн" деб атаган ушбу нашрни илмий-танқидий матн сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу фикрни Фурқатнинг илм аҳлига бугунги кунга келибгина маълум булаётган асарларининг мавжудлиги, фақат номигина маълум бўлиб, топишга муваффақ бўлинмаган асарлари ҳам борлиги, янги аниқланган кўпгина асарларининг ушбу мажмуага киритилмаганлиги далиллари ҳам тасдиқлаб турибди.

Мумтоз адабиётимиз улуғ siймолари меросига бўлган бугунги эътибор, уларга булган бугунги галаб шуни тақозо этадики, келгусида

Фурқат асарларининг 1991 йилги факсимиле нашри ҳам шоир шеърларининг мавжуд дастнавислари ва бошқа таянч манбалари билан қиёсий ўрганилмоғи, шоир асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини яратиш учун кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоғи лозим.

Ушбу тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Тадқиқотда биринчи марта Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари яхлит ва бир бутун ҳолда тадқиқ этилди. Ўзбекистон ФА Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти, Беруний номидаги Шарқшунослик институти , Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи хазиналарида сақланаётган, шоир асарлари кирган 40 тадан кўпроқ қўлёзма баёз ва мажмуалар аниқланиб, шулардан энг ишончли ва мўътабар деб ҳисобланганлари илмий таҳлил доирасига киритилди.

Мазкур баёз ва мажмуалардан Фурқатнинг илм аҳлига маълум бўлмаган 15 та / умумий ҳажми 410 мисрадан ортиқ / шеъри аниқланиб, илмий истифодага киритилди.

Таҳлил жараёнида ҳар бир асарнинг мажмуа ёки баёзнинг қайси саҳифасидан ўрин олганлиги аниқ кўрсатилиб, айрим асарлар тўғрисида янгича мулоҳазалар баён этилди. Жумладан, Фурқатнинг машҳур "Сайдинг қўябер сайёд" асари ҳақидаги мулоҳазалар шоир ижодиётининг қардош туркий халқлар олимлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётганлигидан, умумтуркий адабиёт ривожига қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этилаётганлигидан далолат беради.

Диссертацияда қўлёзма баёз ва мажмуаларни тадқиқ этиш асносида бир ғазални икки, баъзан эса уч шоирнинг ҳамкорликда ёзиши XIX аср охири XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳитигагина хос ҳодиса эканлиги аниқланиб, далиллар асосида исботланди.

2. Ўзбекистон ФА Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида Фурқат фондининг ташкил этилиши шоир ижодиётини тадқиқ қилиш ишида муҳим аҳамият касб этади. Диссертацияда мазкур фонддаги материаллар ҳам тадқиқот объекти сифатида олиниб, таҳлил этилди. Ушбу фонднинг каталогини тузиш - галдаги вазифалардандир.

3. Маълумки, адабиётшуносликда Фурқатнинг серқирра истеъдод соҳиби эканлиги, унинг шоир, носир ва олим сифатидаги фаолияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар баён қилинган. Мазкур тадқиқотда Фурқат истеъдодининг яна бир қирраси - унинг табобатчилик борасидаги фаолияти, ҳаттоки, "Зубдат ул-ҳукамо" /"Ҳакимларнинг сараси"/ деган



шарафли номга сазовор бўлганлиги хусусида мулоҳазалар баён этилди.

Шунингдек, Фурқатнинг истеъдодли хаттот бўлганлиги, бу соҳада шогирдлар ҳам етиштирганлиги тўғрисида фикр юритилди.

4. Тадқиқотда Фурқат асарларининг замондош олимлар томонидан китобат қилинган тўпламлари, хусусан, Пўлатжон Қаййомовнинг хизматлари туфайли юзага келган "Девони Фурқат Хўқандий", А.Муродов ва А.Жувонмардиевлар тартиб берган "Фурқат асарларининг тўплами", Холид Расул томонидан китобат қилинган шоирнинг икки жилдлик "Асарлар мажмуаси" ва Ҳожи Эргашнинг шоир асарларини ўз ичига олган қўлёзма дафтари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мазкур тўпламлар биринчи марта илмий таҳлил этилиб, Фурқат асарларининг муҳим қўлёзма манбалари сифатида эътироф қилинди.

Шунингдек, диссертацияда Фурқат асарларини йиғиб, китобат қилиб, кейинги авлодларга етказиш ишида жонбозлик кўрсатган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Мулла Каримбек Шарифбек ўғли Камий, Муҳаммад Тоҳир Хўқандий, Сирожуддин Махдум Сидқий Мирзоҳид ўғли Хондайлиқий, Абдулқодир Қори Хўқандий, Пўлатжон Қаййомов, Абдулқодир Муродов, Ғулом Каримов, Холид Расул каби хаттотлар фаолиятлари ҳақида ҳам фикр юритилди.

5. Бундан ташқари, диссертацияда Фурқат асарларининг мавжуд нашрлари 1991 йилги факсимиле нашри, қўлёзма нусхалари ва муаллиф дастнавислари билан қиёсий таҳлил этилди. Бунинг натижасида, шоир асарларининг турли сабабларга кўра нашр этилмай келган нусхалари, шунингдек, жорий имлодаги нашрларда хато ўқилиб, нотўғри берилган сўз ва жумлалар аниқланди. Мазкур мулоҳазалардан келиб чиқиб, Фурқат асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини яратиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Фурқат асарлари қўлёзма манбаларининг тадқиқ этилиши шоир ижодиётини ўрганиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади деган умиддамиз.

Диссертация юзасидан эълон қилинган мақолалар:


1. Фурқатнинг қўлёзма асарлари. "Адабий мерос", 1992, 1-сон.
2. Фурқатнинг янги девони. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1992 йил 3 июль.
3. "Девони Фурқат" ҳақида. "Адабий мерос", 1993, 1-сон.
4. Фурқат: Матн ва нашр савияси. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1993 йил 10 декабрь.

## РЕЗЮМЕ

Настоящая диссертация посвящена исследованию рукописных источников творчества Фурката /1859 - 1909/ и состоит из введения, трех основных глав, заключения и списка использованной литературы.

Во "Введении" обосновываются актуальность темы, степень ее изученности, научная новизна, цели и задачи, методологические основы и методы исследования, теоретическая и практическая значимость работы.

В первой главе "Хронология рукописных источников творчества Фурката" исследуется ценные рукописные источники произведений Фурката, которые сохраняются в фондах Института Рукописей, Института Востоковедения АН Республики Узбекистан, Ферганского областного музея имени Г.Гуляма и Центрального Государственного архива Республики Узбекистан. В результате исследований вышеуказанных источников, найдены 15 стихотворений /общий объем - более 410 строк/, которые были неизвестны, и приложены к диссертации.

Вторая глава - "Сборники произведений Фурката, переписанные отдельными лицами, и каллиграфы произведений поэта" - посвящена исследованию следующих сборников: "Дивани Фуркат Хуканди" /переписан в 1959 г. П.Кайюмовым/, "Сборник произведений Фурката"/переписан в 1958 г. А.Мурадовым и А.Джуванмардиевым/, "Стихи Фурката" /переписан в начале 60 -х годов Хаджи Эргашем/, "Сочинения. В двух томах." /переписан в 1990 г. Х. Расулом/.

Затем исследуется деятельность таких каллиграфов произведений Фурката, как Мухаммад Аминходжа Мукими, Мулла Каримбек Ками, Мухаммад Тахир Хуканди, Сираджуддин Махдум Сидки Хандайлики, Пулатджан Кайюмов, Абдулкадир Мурадов, Гулям Каримов, Халид Расул.

Третья глава посвящена текстологическому исследованию произведений Фурката. В этой главе анализируется имеющиеся издания произведений поэта в сопоставлении их с рукописными вариантами. В результате отмечается необходимость проведения научно-критических исследований всех произведений Фурката.

В заключении диссертации отмечается, что исследование рукописных источников произведений Фурката имеет особо важное значение в изучении творческой и жизненной деятельности великого поэта.

Основное содержание диссертации отражено в восьми статьях, опубликованных в республиканских изданиях.



## SUMMARY

This thesis is dedicated to the investigation of the manuscript original sources of Furkat's works /1859 - 1909/ and consists of: introduction, three main chapters, conclusion and a list of used literature.

Actuality, study degree of the theme, scientific novelty, aims and tasks, methodological bases and investigation methods, theoretical and practical significance of this work are grounded in "Introduction".

In the first chapter "Chronology of manuscript original sources of Furkat's works" the valuable manuscript original sources of the poet's works kept in the funds of Manuscript Institute, Oriental Studies Institute of Uzbek Academy of Sciences, Fergana Region Museum named after G.Gulyam and Uzbek Central State Archives are investigated. As a result of the investigation of the original sources, mentioned above, 15 poems (total volume - over 410 lines), which were unknown before, have been found and added to the thesis.

The second chapter - "Collected works by Furkat, rewritten by individuals, and calligraphs of the poet's works" - is dedicated to the investigation of the following collections: "Divan of Furkat Hukandi"/rewritten by P.Kaiyumov in 1959/, "Collected works by Furkat" /rewritten by A.Muradov and A. Dzhuvanmardiev in 1958/, "Poems by Furkat" /rewritten by Haji Ergash in the early 60-s/, "Works. In two volumes." /rewritten by H.Rasulov/.

Then the activities of such calligraphers of Furkat's works as Muhammad Aminhoja Mukimi, Mullah Karimbek Kami, Muhammad Takhir Hukandi, Sirojuddin MakhdumSidki Handayliki, Pulatjan Kaiyumov, Abdulkadir Muradov, Gulyam Karimov, Halid Rasul, are investigated.

The third chapter is dedicated to the textualism research of Furkat's works. In this chapter the publications of Furkat's works available in comparison with the manuscript variants are analysed. As a result it is noted that carrying out critical research of all Furkat's works is necessary.

In Conclusion of the thesis it is noted that investigation of the manuscript original sources of Furkat's work is of great importence in studying creative and vital activity of the great poet.

The main subject of the thesis is represented in 8 papers published in the republican publications.

Подписано к печати 25.04.94г.
Формат 60x84 I/I6 Обьем I п/л. Тираж 100 экз. Заказ № 86
Отпечатано на ротапринте ФБАН Республика Узбекистан
г.Ташкент ул_Муминова I3